

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИ
ТАЛАБАЛАРИ ЎҚИШИНИ
КЎЧИРИШ, ҚАЙТА ТИКЛАШ
ВА ЎҚИШДАН ЧЕТЛАШТИРИШ
ТАРТИБИ БЎЙИЧА**

ЭСЛАТМА

«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2025

Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби бўйича эслатма.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т. 2025 й. – 17 б.

Олий таълим муассасалари талабаларининг ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби бўйича эслатма олий таълим муассасаларида таълим олаётган талабаларнинг ўқиш жараёнидаги имкониятлар ва мажбуриятларига доир тартиблар ва меъёрларни муҳокама қилади. Шунингдек, талабаларнинг ўқишини кўчириш (яъни, битта олий таълим муассасасидан бошқасига ўтиш), қайта тиклаш (давом эта олмаган талаба учун таълим жараёнини қайта тиклаш) ва ўқишдан четлаштириш (ўқишни тўхтатиш ёки муваффақиятсизликлар натижасида ўқишдан чиқариш) ҳақидаги тартиблар белгилаб қўйилган.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ ҮҚИШНИ КҮЧИРИШ, ҚАЙТА ТИКЛАШ ВА ҮҚИШДАН ЧЕТЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

Олий таълим муассасалари талабалари үқишини күчириш ва қайта тиклашда (кейинги ўринларда талабалар үқишини күчириш ва қайта тиклаш деб аталади) таълим йўналишларининг (мутахассисликларининг) номланиши бир хил бўлганда бундай **таълим йўналишлари (мутахассисликлари) мос деб ҳисобланади.**

Олий таълимнинг турдош таълим йўналишлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига үқишга қабул қилиш бўйича **Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.**



Ҳуқуқий асос:

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари талабалари үқишини күчириш, қайта тиклаш ва үқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги низом.


Ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш бўйича умумий саволлар



Олий таълим муассасаларида мос (турдош) таълим йўналиши (мутахассислиги) қандай аниқланади?

Агар таълим йўналиши (мутахассислиги) номланиши бир хил бўлса, мос деб эътироф этилади.

Турдош таълим йўналишлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ишлаб чиқилиб, Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.



Талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклашни кимлар тасдиқлайди?

Олий таълим муассасаси (ОТМ) ректори: бир олий таълим муассасаси доирасида мос (турдош) таълим йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича кўчириш ва қайта тиклаш.

Тегишли вазирлик (идора): бир вазирлик (идора) ёки турли вазирлик (идора)лар доирасида мос (турдош) йўналишлар (мутахассисликлар) бўйича кўчириш ва қайта тиклаш.

Давлат комиссияси: хорижий давлатларнинг аккредитацияга эга олий таълим муассасаларидан кўчириш, шунингдек, бир олий таълим муассасаси доирасида ёки бир/турли вазирлик (идора)лар доирасидаги олий таълим муассасаларига турдош бўлмаган йўналишлар, истисно тариқасида мос бўлмаган мутахассисликлар бўйича кўчириш ва қайта тиклаш.



Қайси ҳолатларда күчириш ва қайта тиклаш ваколатли органлар томонидан амалга оширилади?

ОТМ ректори: бир олий таълим муассасаси ичидагы мос (турдош) йўналишлар (мутахассисликлар) бўйича.

Вазирлик (идора): бир вазирлик (идора) ёки турли вазирлик (идора)лар доирасида мос (турдош) йўналиш (мутахассислик)лар бўйича.

Давлат комиссияси: хорижий аккредитацияга эга олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларни күчириш, шунингдек, турдош бўлмаган таълим йўналишлари ва (истисно тариқасида) мос бўлмаган мутахассисликлар бўйича күчириш ёки қайта тиклаш.



Қандай ҳолатларда фуқаронинг ўқишини күчириш ёки қайта тиклаш ҳақидаги аризаси рад этилиши мумкин?

Хорижий аккредитацияга эга бўлмаган олий таълим муассасаси (ёки филиали)да таҳсил олганлар.

Мавжуд таълим шаклидан бутунлай бошқа шаклда таҳсил олганлар.

ОТМ марказлари, бўлимлари ёхуд ўқув-маслаҳат пунктларида ўқиганлар.

Биринчи курс биринчи семестрида (семестр якунланмасдан) күчиришга уринганлар (айрим истиснолар бундан мустасно).

Мос (турдош) таълим йўналиши (мутахассислиги) ёки таълим шакли мавжуд бўлмаган ҳолатлар.

Умум-касбий ва ихтисослик фанлари бўйича фарқлар 4 тадан ошса.

Тўлов-контрактни белгиланган муддатда тўламаганлар.

Шахсий йиғма жилд (академик маълумотнома) вақтида такдим этилмаган бўлса.

Давлат гранти бўйича бўш ўрин мавжуд бўлмаганда.

ОТМ моддий-техника базаси имконияти чекланган бўлса.

Мақсадли қабул қилинган талабалар (бошқа йўналиш, шакл ёки ОТМга ўтиш мақсадида).

Қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолатлар.



Шахсий йиғма жилд (академик маълумотнома) ҳамда фанлар фарқи билан боғлиқ талаблар нечоғлик мұхим?

Белгиланған муддатда шахсий йиғма жилд ёки академик маълумотнома тақдим этилмаса, күчириш (қайта тиклаш) аризаси рад этилиши мүмкін.

Олий таълим муассасаси ректори умум-касбий ва ихтисослық фанлари бўйича **4 тадан** ошмайдиган фарқларни бартараф этиш тартиби ва муддатларини белгилайди.



Тошкент давлат юридик университетида қандай истисно ҳолат назарда тутилган?

Иккинчи курсдан бошлаб, бир ўқув йили давомида хорижий ОТМда **юриспруденция йұналишида** таҳсил олиш имконияти мавжуд.

Талабанинг хорижда ўқиган фанлари хорижий ОТМ маълумотномаси асосида университет Кенгашида кўриб чиқилиши мүмкін. Бу ҳолда талаба тегишли семестрдан таҳсилни давом эттириши мүмкін.



Тўлов-контракт асосида кўчириш ва қайта тиклаш қандай шартлар асосида амалга оширилади?

Тўлов шартлари ва муддатлари қонунчиликда белгиланған тартибда амалга оширилади.

Давлат олий таълим муассасаларида ўқишни кўчириш ва қайта тиклаш жараёни **бепул асосда олиб борилади**.



Үқишиңи күчириш бүйиче саволлар



Олий таълим муассасаларида үқишиңи күчириш учун аризалар қайси муддатларда қабул қилинади?

Асосий қабул: ҳар йили **15 июлдан 5 августгача**, қарорлар **5 августдан 30 августгача** қабул қилинади.

Узрли (мажбурий) сабаблар мавжуд ҳолатда:

ҳар йили **20 декабрдан 20 январгача**;

қарорлар **25 январдан 15 февралгача** қабул қилинади.




Ариза ижобий ҳал этилган тақдирда, кейинги жараён қандай тартибда амалга оширилади?

Қабул қилувчи олий таълим муассасаси ректори тегишли вазирлик (идора) ёки Давлат комиссиясининг **расмий хати асосида** буйруқ қабул қиласи.

Қабул қилувчи муассаса талаба аввал таҳсил олган олий таълим муассасасига шахсий йиғма жилдни юбориш ҳақида сўровнома тақдим этади.

Аввалги олий таълим муассасаси ушбу сўровномага асосан талабани уч кун ичидан сафдан четлатганлиги ҳақида буйруқ чиқаради ва шахсий йиғма жилдни (ёки ёниқ йўналишларда академик маълумотномани) **қабул қилувчи муассасага** ёки **ариза билан талабага** топширади.



 **Давлат гранти асосида таҳсил олаётган талабалар қандай шартларда мос ёки турдош йўналишга грантни сақлаган ҳолда кўчирилиши мумкин?**

Давлат гранти асосида таҳсил олаётган талаба мос (турдош) таълим йўналиши (мутахассислиги)га кўчирилганда, **грант сақланади**.

Кўзи ожизлар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ажратилган маҳсус квота доирасида ҳам давлат грантларини сақлаган ҳолда кўчириш амалга оширилади.

Бошқа барча ҳолатларда, шу жумладан хорижий олий таълим муассасаларидан кўчириш, **тўлов-контракт асосида амалга оширилади**.

 **Хорижий олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларни Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига кўчириш тартиби қандай?**

Умумий ҳолатда талабадан кўчирилаётган олий таълим муассасаси йўналиши бўйича маҳсус синов (тест, ёзма иш ёки касбий (ижодий) имтиҳон) талаб этилади. Натижа **Давлат комиссиясига тақдим этилади**.

Турмуш ўртоғи ёки ота-онаси хорижий давлатдаги давлат хизмати жойидан Ташқи ишлар вазирлиги томонидан расман мамлакатга қайтарилган, шунингдек Ҳукумат қарорлари ёки топшириқлари билан хорижга ўқишга юборилган талабалар синовларсиз, Давлат комиссияси қарори билан кўчирилади.

Халқаро рейтингда биринчи **1000 талик рўйхатдан** жой олган Россия Федерацияси олий таълим муассасаларида таҳсил олаётганлар, синовларсиз (Давлат комиссияси қарори асосида) тўлов-контракт шаклида кўчирилиши мумкин.

Магистратура босқичида таҳсил олаётган талабалар кўчирилишига рухсат берилмайди.

Кўчирилаётган олий таълим муассасасида талабанинг танлаган ўқув тили мавжуд бўлмаса, ўқитиш тили фуқаронинг аризаси асосида белгиланади.



Үқиши күчирилган талабани талabalар сафига қабул қилиш қандай тартибда расмийлаштирилади?

Қабул қилувчи олий таълим муассасаси ректори буйруқни талаба илгари таълим олган муассасадан шахсий йиғма жилд (ёки ёниқ йўналиш ҳолатида академик маълумотнома) келиб тушгандан сўнг расмийлаштиради.

Тўлов-контракт асосида ўқиши күчирилганлар белгиланган шартнома тўловларини тўлиқ амалга оширгандан кейин **10 кун муддатда** талabalар сафига қабул қилинади.



Фанлар бўйича фарқлар аниқланганида талаба қандай ҳолатда қабул қилинади?

Бунда талаба академик қарздор сифатида қабул қилинади. Жорий семестр давомида академик қарздорлик бартараф этилгач, олий таълим муассасаси ректори талабага **стипендия бериш ҳақида** буйруқ қабул қиласди.



Юридик шахс билан тузилган тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган талabalар ўқишини кўчириш учун қандай тартиб кўзда тутилган?

Юридик шахс билан тузилган шартнома асосида таҳсил олаётган талabalар учун кўчириш, аввало, ушбу юридик шахснинг ёзма розилиги билан амалга оширилади. **Розилик берилмаса, кўчириш тақиқланади.**



Қайта тиклаш бўйича саволлар

1. Олий таълим муассасаси талабаларининг ўқишини қайта тиклаш учун аризалар қандай муддатларда қабул қилинади?

Кузги семестр учун: ҳар йили 15 июлдан 5 августгacha, қарорлар 5 августдан 30 августгacha қабул қилинади.

Баҳорги семестр учун: ҳар йили 15 январдан 25 январгacha, қарорлар 25 январдан 15 февралгacha қабул қилинади.

Маълумот учун:

Кўрсатилган муддатларда мурожаат қилинмаган тақдирда, талаба кейинги семестрни кутишга мажбур бўлади.

Натижада ўқишни ўз вақтида қайта тиклаш имконияти маҳдудлашади.

2. Бошқа олий таълим муассасаси базасида қайта тикланиш имконияти мавжудми?

Талаба турдош (мос) йўналиш бўйича бошқа ОТМда қайта тикланиши мумкин. Бу ҳолда расмий “**ўқишни кўчириш**” тартиби доирасида ҳамда **тегишли ҳужжатлар билан мурожаат этиш талаб этилади.**

3. Қайта тиклаш бўйича тақдим этилган аризаларни кўриб чиқиши ваколати ким(лар)га тегишили?

Низомда белгиланган асосларга кўра, ушбу масала **олий таълим муассасаси, тегишли вазирлик** (идора) ёки **Давлат комиссияси томонидан** кўриб чиқилади.

4. Қайта тиклаш жараёни асосан қандай шаклда амалга оширилади?

Ушбу жараён, умумий ҳолда, **түлов-контракт асосида бажарилади**. Лекин етимлар, ногиронлиги бўлган шахслар, муддатли ҳарбий хизматдан қайтганлар, белгиланган муддатда академик таътилдан қайтганлар каби тоифалар давлат гранти асосида ҳам қайта тикланиши мумкин.

5. Хорижий таълим муассасаларида бир неча семестр таҳсил олган талабалар қайта тикланиши мумкинми?

Ҳа, белгиланган муддатда қайтган талабалар хорижда ўқиган семестрлари инобатга олинган ҳолда (зарур ҳолларда давлат гранти асосида ҳам) маҳаллий олий таълим муассасасида таҳсилни давом эттириши мумкин. Муддатдан кечикиб қайтган талабалар эса умумий тартибда кўриб чиқилади.

6. Қайта тиклаш буйруғи қандай асосда ва қачон расмийлаштирилади?

Талабанинг шахсий йиғма жилди (ёки академик маълумотномаси) қабул қилувчи олий таълим муассасасига расмий тарзда келиб тушгандан сўнг қайта тиклаш буйруғи чиқарилади. Тўлов-контракт асосида ўқиши тикланган талабалар шартнома тўловларини бажарганидан кейиноқ, **10 кун ичидаги талабалар** сафига қабул қилинади.

7. Фанлар бўйича фарқлар аниқланган пайтда талаба қандай асосда қабул қилинади?

Бундай ҳолатда талаба академик қарздор сифатида қабул қилинади. Фанлар бўйича аниқланган қарзлар бартараф этилганидан кейиноқ, стипендия тайинлаш тўғрисида **буйруқ қабул қилиниши мумкин**.

8. Жорий ўқув йилида четлашган талаба ўша курсга қайта тикланиши мүмкінми?

Йүқ. Жорий ўқув йилида четлашган талабани айнан ўша курсга қайта тиклаш **тақиқланади**.

9. Қайта тикланиш жараёнида олдинги олий таълим муассасаси розилиги талаб этиладими?

Йүқ. Бошқа олий таълим муассасасига кўчириб қайта тиклашда **олдинги ОТМ розилиги шарт эмас**.

Бу мұхым!

Бироқ талаба шахсий йиғма жилд ёки академик маълумотномани узлуксиз тарзда олиши керак. Акс ҳолда фанлар фарқини аниқлаш жараёнида муаммолар юзага келиши мүмкін.

10. Агар четлашган пайтдан 5–10 йил ўтган бўлса, қайта тикланиш тартиби қандай?

Бунда тегишли **вазирлик (идора) рухсати асосида** қайта тиклаш амалга оширилади. (Ҳарбий хизмат, уч ёшгача бола парвариши ёки соғлиқни тиклаш билан боғлиқ даврлар ушбу муддатга кирмайди.)

Маълумот учун:

Агар зарур рухсатлар ўз вақтида олинмаса ёки расмийлаштирилмаса, қайта тиклаш рад этилиши ёки узоқ муддатга чўзилиши мүмкін.

Шу орада соҳа нормативлари ёки фанлар дастурларида ўзгаришлар бўлса, талабанинг қўшимча модулларни ўзлаштириши талаб этилиши мүмкін.

Олий таълим муассасалари талабаларини ўқишдан четлаштириш саволлар



**Олий таълим муассасаси талабаси қайси ҳолатларда
четлаштирилиши мумкин?**

Олий таълим муассасаси талабаси ушбу Низомда белгиланган тартибда **құйидаги ҳолатлар юзасидан** четлаштирилиши мумкин:

- ✓ талабанинг шахсий хоҳиши (ариза орқали);
- ✓ ўқишининг бошқа олий таълим муассасасига күчирилғанлиги; интизом, ички тартиб-қоидалар ёки одоб-ахлоқ нормалари бузилғанлиги;
- ✓ бир семестр мобайнида узрсиз сабаблар билан 74 соатдан ортиқ дарс қолдирғанлиги;
- ✓ түлов-контракт шартлари ўз вақтида бажарилмаганлиги (түловни белгилаб қўйилған муддатда амалга оширилмаганлиги);
- ✓ суд қарори билан озодликдан маҳрум этиш жазоси белгилаб қўйилғанлиги;
- ✓ суд қарори билан кириш имтиҳонларида белгиланган тартибни бузганлиги аниқланганда (бундай ҳолатда қайта тикланиш имкони берилмайди);
- ✓ талабанинг вафот этганлиги.

Маълумот учун:

Агар четлаштириш асосларини бартараф этиш имконияти мавжуд бўлса-уу, аммо белгиланган тартибда ва муддатда амалга оширилмаса, расман буйруқ чиқарилиб, талабанинг ўқишида давом этиши бекор қилиниши ёки узоқ муддатга кечиктирилиши мумкин.



Ҳарбий хизмат ёки бошқа узрли ҳолатлар вужудга келган тақдирда қандай тартиб күзде тутилған?

Вазирлар Маҳкамаси томонидан үрнатылған тартибга мувофиқ, ҳарбий хизмат, саломатликни тиклаш, ҳомиладорлик, туғиши, бола парвариши ёки оила аъзосини (ота-она, турмуш үртоқ, фарзанд) парвариш қилиш зарурати мавжуд бўлганда, **талабага расман академик таътил бериш мумкин.**

Бу мұхым!

Агар академик таътил белгиланған тартибда расмий-лаштирилмаса, мазкур даврда қолдирилған дарслар узрсиз сабаб сифатида баҳоланиши, натижада талабанинг четлаштирилишига сабаб бўлиши эҳтимоли мавжуд.



Академик қарздорлик (фанларни ўзлаштира олмаслик) ҳолатида қандай чоралар кўрилади?

Белгиланған муддатларда фанларни ўзлаштира олмаган талаба (академик қарздор) ушбу Низомда кўрсатилған тартибда **курсдан қолдирилади**.

Тўлов-контракт асосида ўқийдиган талаба қўйи курс (ўқув семестри)дан бошлиб таҳсил олиш имкониятига эга бўлади.

Кредит тизимида академик қарздор талаба **қарзи мавжуд фан(модул)ларни такроран ўқийди.**

Маълумот учун:

Агар академик қарздорлик ўз муддатида бартараф этилмаса ёки Низомда кўрсатилған бошқа асослар юзага келса, талаба четлаштирилиши мумкин.

 **Тўлов-контракт шартлари бажарилмаганлиги ёки интизом бузилиши сабабли четлаштиришда қайси ташкилотлар билан келишув зарур?**

Низомнинг 36-банди “е” кичик бандига мувофиқ, тўлов-контрактни ўз вақтида амалга оширган талаба касаба уюшмаси аъзоси бўлса, уни четлаштириш ҳақида қарор қабул қилишда **касаба уюшмасининг ёзма розилиги** талаб этилади.

Низомнинг 36-банди “г” кичик бандида назарда тутилган ҳолатда (интизом бузилиши), **Ёшлар иттифоқи** билан келишув ўтказилиши мумкин.

Бу мұхым!

Агар ушбу ташкилотлар билан расмий келишувга эришилмаган бўлса, қабул қилинган буйруқни бекор қилиш ёки қайта кўриб чиқиш ҳақида мурожаат қилиш эҳтимоли юзага келади.

5. Олий таълим муассасасидан четлаштирилган талабага қандай ҳужжатлар тақдим этилиши белгиланган?

Талаба ёки унинг ота-онаси (vasiyasi) ариза билан мурожаат қилган ҳолда шахсий ҳужжатлар ва белгиланган шаклдаги **академик маълумотнома топширилади**.

Мазкур ҳужжатларнинг нусхалари талаба шахсий йиғма жилдида сақланади.

Маълумот учун:

Шахсий ҳужжатлар ўз вақтида олинмаган тақдирда, келгусида бошқа олий таълим муассасасига ёки бошқа таълим йўналишига ҳужжат топшириш жараёнида муаммолар вужудга келиши мумкин.

ҚҰШИМЧА САВОЛЛАР



Шахсий үйғма жилддаги ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилмаганлиги ёки ноқонуний ўзгартиришлар киритилганини аниқланган ҳолатда олий таълим муассасаси қандай тартибда чора кўради?

Олий таълим муассасаси ректори бу каби ҳолатда буйруқ чиқаришни тўхтатиб туради ҳамда тақдим этилган ҳужжатларни расмий тарзда **қайта текшириш ҳуқуқига эга**.



Олий таълим муассасасига ўқишини кўчирган ёки қайта тиклаган талаба шахсий үйғма жилдида қайси турдаги ҳужжатлар сақланиши лозим?

Шахсий үйғма жилдга талаба бўйича қабул қилинган буйруқдан кўчирма, талаба аризаси ва академик маълумотнома **расмий равишда тикиб қўйилади**.



Академик маълумотнома бланкалари қандай тартибда олиниб, сақланади?

Олий таълим муассасалари ҳар йили **Олий таълим, фан ва инновациялар** вазирлигига академик маълумотнома бланкалари учун зарур буюртмалар йўллайди. Ушбу бланкалар қатъий ҳисоб асосида сақланади, рўйхатдан ўtkазилади ва белгиланган тартибда тақдим этилади.





Талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ёки ўқишдан четлаштириш билан боғлиқ ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши ва қонунийлиги учун ким жавобгар?

Мазкур жараёнда тақдим этилган барча расмий ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилиши ва уларнинг қонунийлиги учун **ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ЖАВОБГАР ҲИСОБЛАНАДИ**. Ректор зарур деб топса, расмий хат орқали ушбу ҳужжатларни юборган олий таълим муассасасидан улардаги **МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ҲАҚҚОНИЙЛИГИНИ ТАСДИҚЛАШНИ СЎРАШ ҲУҚУҚИГА ЭГА**.



Талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш билан боғлиқ ҳужжатлар қандай муддат давомида сақланади?

Ўқишини кўчириш ва қайта тиклашга асос бўлган барча ҳужжатлар (Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар, шунингдек олий таълим муассасаларида) **УЧ ЙИЛ МОБАЙНИДА САҚЛАНИШИ ЛОЗИМ**.



Талаба ёки бошқа шахслар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ёки ўқишдан четлаштириш тўғрисида қабул қилинган қарорлардан норози бўлган тақдирда қандай тартибда мурожаат қилишлари мумкин?

Белгиланган тартибга мувофик, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган **вазирлик (идора)га** ёки **суд органларига мурожаат қилиш** ҳуқуқига эгадир.